



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИВСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 126 (9.470) 2000 йил 23 октябрь, душанба Сотувда эркин нархда

Саноат

«ЮЛДУЗ»НИНГ ЧЕВАРЛАРИ

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос мураккабликлари республикамиздаги кўплаб корхоналар қатори пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Юлдуз» хиссасдорлик жамияти жамоасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Аммо изланиш, мутахассисларнинг тажрибаси, ҳар бир хиссасдорнинг мулкка муносабатининг ўзгариши юзга келган муаммоларни енгизишда, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариб яна ўз нуфузини тиклашида асосий омил бўлмоқда.



Корхонада меҳнат қилаётган 1400 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи бутун куч-ғайратини ҳақиқатдан ҳам «Юлдуз» деган номни оқлашга, сифатли, рақобатбардош, чиройли ва бежирим либослар тайёрлаб мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишга қаратмоқда. Корхона маъмурияти ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, самарадорликка эришиш йўллариини излаб топиш учун куч ва ғайрат сарфламоқда. Шартнома мажбуриятлари тўлиқ адо этилиб, буюртмалар ўз вақтида сифатли бажарилишига эришилмоқда.

Корхонада асосан устки кийим-кечаклар тикилади. Утган ойда 80 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди. Йил охиригача шу суръатни бундан камайтирмасликка, қўшимча имкониятлардан эса унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Бозор конъюктурасини ўрганиш, маркетинг хизматини яхши йўлга қўйиш ҳамда таъминот бўлими мутахассисларининг сай-ҳаракатлари, — дейди хиссасдорлик жамияти раисининг ўринбосари Шукрулло Акбаров, — фақатгина мамлакатимизнинг барча вилоятларидан катта ҳажмдаги буюртмалар олишдагина эмас, балки чет эллик шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳам кўл келмоқда. Масалан, Италиянинг «Интерсервис» фирмаси мутахассислари билан ҳамкорлигимиз кенгайиб бормоқда. Италия ва Жанубий Корея давлатларидан костюмбоп материаллар олмақдамиз. Албатта, келгусида бундай ҳамкорликларни кенгайтириш режаларимиз ҳам бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, утган йил якунига кўра хиссасдорларга 18 миллион сўм дивиденд

тўланди. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг иш шaroитларини яхшилашга, уларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишга ҳам эътибор қаратилган. Буларнинг барчаси иш сифатини, меҳнат суръатини оширишга хизмат қилмоқда.

Янги маҳсулот турлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, август ойида жамият чеварлари томонидан 35 мингта болалар куртчалари тикилди. Асосий тикадиган маҳсулот — эркаклар костюмларининг янги турларини яратишга алоҳида аҳамият қаратилган. Ҳозир бу ерда эркаклар костюмининг 60 дан ортиқ модели асосида маҳсулот тикиш мумкин. Шунингдек, кузги-қишги мавсумга эркаклар учун калта палтоллар тикиш режаланган, унинг биринчи буюртмачилари ҳам тайёр. Излаш имкон топади, деганларидек мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун уларнинг дидларига мос чиройли, сифатли ва бежирим формалар тикиш ҳам жамоада йўлга қўйилган.

Корхона ҳақида гап кетар экан, албатта унинг номини кўпчиликка танитиш учун самарали меҳнат қилаётган чеварларнинг номларини ҳам айтмасликнинг иложи йўқ. Тикув машиналарини моҳирлик билан бошқараётган, маҳсулот сифати — муваффақият гарови эканлигини тўғри англаган Наргиза Аҳмадхўжаева, Маҳфуза Жамилова, Мария Малкова ва Гулноза Омонова сингари бичиқчи ҳамда тикувчилар ҳамisha сидқидилдан ишлашади.

Хиссасдорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар унинг республикамиздаги 9 та фирма дўконларида харидорларга ҳам сотилмоқда. Соғлом авлод йилини муносиб яқунлашни ва келгуси йилда бундан ҳам баракалроқ меҳнат қилишни ният қилиши боиси корхона аҳли янги аср бошида ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлайди. Ҳар бир ходим, ишчи-хизматчи дилида эзгу ният билан кутлуг тантанани ўзига хос тўёна билан байрам қилиш ниятида. Бугунги интилиш ва изланиш ҳам ана шу улуг мақсадга яраша бўлмоқда.

Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТЛАРДА: моҳир ишчилар Маҳфуза Жамилова ва Наталья Александрова ҳамжihatлида меҳнат қилишади; корхона фирма дўконининг директори Марҳамат Зоҳидова «Юлдуз»да тайёрланган либослар билан.

Сергей Любич олган суратлар.



Тадбирлар

ОНА ТИЛИМ ОНАМДЕК БУЮК

Кўш балқир ўлкам аро,
Олтин кузга бериб эшик,
Кечамиз соз, кўп дилрабо,
Келинг бўстлар, келинг мархабо.

Мадрэ тай бузун она тилим,
Она тилим ахир, онамдек буюк.
Ўзбекларнинг тили — ўзбек тилининг
Жумлаю қадами биз учун суяк.

Айнан шундай ажойиб сатрлар билан 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида Тил байрами бошланди. Байрамга УЗМУ профессори А. Жўраев, шoir Сирожиддин Рауфов, ёзувчи Зайниддин Дўсмутов, кекса санъаткор, радиорежиссёр,

тўқдилар. Айтиш керакки, У. Саидалиев ва Ш. Пулатовларнинг қўшиқлари олқишларга сазовор бўлди. Тил байрамида Собир Раҳимов тумани 120-болалар бoғчаси тарбияланувчиси М. Абдукаримовнинг чиқиши ҳам қарсақлар би-

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

республикада хизмат кўрсатган артист Неймат Дўстхўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримова, шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти бир гуруҳ талабалари ташриф буюрдилар. Ҳар бир меҳмон, албатта, ўзбек тили билан боғлиқ ажойиб фикрларини баён этди.

Институтиимиз талабаларидан Ш. Пулатова, О. Раҳимов, У. Саидалиев, Д. Мархабулина, Х. Каримов, Д. Саидова қабилар байрам тантанасининг ҳаммага маъқул бўлиши учун анча тер

лана кутиб олинди. Назаримизда кечага ташриф буюрган меҳмонлар ҳам, профессор-ўқитувчилар ҳам байрам дастирудин, унинг ташкил этилиши ва ўтказилишидан қониқиб хисси билан кетдилар. Сабаби Тил байрами тантанали мажлис кўринишида эмас, балки кенг нишонланган халқ байрамлари кўринишида эди.

НОДИРА ДЎСТХЎЖАЕВА, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ўзбек тили кафедраси мудири, филология фанлари номзоди.

адабиётининг асосчиси Навоий бобокалонимизнинг шеърларини, Зебунисо, Нодира каби шoirларимизнинг буюк сиймоларини татрифташган саҳна кўришлари орқали намойиш этишди. Тадбирда мактаб ўқитувчиларидан ташқари шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтидан 40 га яқин ўқувчилар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

БОТИР ДЎЛОНОВ.

Ҳамкорлик

ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ҳозирги харидор дидини ўрганиб, унинг талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш бозор иқтисодиёти даврида ривожини кўзлаган ҳар бир корхона учун муҳимдир.

Шу боис ҳам шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Маишийким» Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонаси жамоаси кундан кунга сифатли маҳсулот тайёрлашга интиломоқда. Корхонанинг фаолият кўрсатаётганига эндигина бир йилдан ошди. Маҳсулот тури эса ўн турдан ошди. Бу жамоада асосан кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилади. Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, мутахассислар нафақат маҳсулот сифатини яхшилашга, балки уни қадоклашга, қўтиларнинг ташқи кўринишига, харидор эътиборини жалб этишга интиломоқдалар. Хом ашёнинг 50 фоизи ўзинимиздан, қолгани эса четдан олинди, хорижлик ҳамкорлар бу борада шерикларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган «Лотос — У», «Бест», «Гузаль» ҳамда болалар учун тайёрланаётган «CHILD» каби кир ювиш воситалари бугун мамлакатимизда ўз харидорларига эга бўлди. Шу билан биргаликда бундай маҳсулотларни Украина ва Қозғистон давлатларига экспорт қилиш ҳам режаланган. Бунинг учун эса маҳсулотнинг янада сифатли ва рақобатбардош турларини кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Дилра ГУЛОМОВА.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида Оқсаройда пахтачилик соҳасига бағишланган йилгилиш бўлди. Йилгилишда бу йилги пахтачилик соҳасидаги қийинчиликлар ва бу борада йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил этилди.

• Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида иқтисодиёт тармоқларининг 2000-2001 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлиги ҳам қўриб чиқилди.

• Самарқанд вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамага бағишланган миттақавий анжуман бўлиб ўтди.

• Аввал хабар берганимиздек, Тошкентда ўз ишчи бошлаган «Марказий Осиеда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашда умумий ёндашув» мавзусидаги халқаро анжуман ўз ишчи ниҳоясига етказди.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик муаммолари» мавзусида идоралараро битимни амалга оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда Қозғистон, Озарбайжон, Қирғизистон Республикалари ва Россия Федерацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этиб, маъруза қилишди.

• Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани марказида «Оила ва никоҳ» янги маркази очилди.

• Халқаро Амир Темур номидаги хайрия жамғармаси бошқаруви раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

• Фарғона вилоятида улуг олим ва мутафаккир Аҳмад ал-Фарғоний хотирасига бағишланган тантаналар ўтказилди.

• Навоий шаҳрида «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

• **Эртага** «Ўзэкспомарказ»да истеъмол ва озиқ-овқат товарлари, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги жиҳозлари олтинчи халқаро кўргазмаси очилади.

• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясида Россия Фўқаро авиацияси Давлат хизмати делегацияси билан музокаралар ўтказилди. Музокаралар якунида узаро ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битим имзоланди.

• Тўрт ёшдаёқ шеърлар машқ қила бошлаган Асака шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси, бу йил Зулфия номидаги Давлат муқофотига номзоди кўрсатилган Саодат Раҳмонованинг шеър, ҳикоя ва эртаклардан иборат тўплами «Ҳаёт гули» номи билан китоб ҳолида чоп этилди.

• Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент автомобиль транспорт йўллар институти ўйингоҳларида футбол бўйича фан ва таълим ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳри кубогини учун беллашувларда Тошкент Давлат шарҳунослик институти жамоаси 1-ўринни эгаллади. Тошкент Давлат техника университети жамоаси 2-ў, Ўзбекистон Миллий университети футболчилари эса 3-ўринни эгаллашди.

ЖАҲОНДА

• **Кеча** Франция Президенти Жак Ширак Пекингга икки кунлик ташриф билан келди. Ташриф чоғида ХХРнинг Жаҳон савдо ташкилига кириши билан боғлиқ бўлган ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

• **Кеча** Исроил Бош вазири Ехуд Барак Исроилнинг Яқин Шарқ тинчлик жараёнидаги иштирокини тўхтатиши тўғрисида баёнот берди. Лекин у бу ҳодисани анж муддатини айтмади. Бироқ у бу танаффуз Исроилнинг Яқин Шарқ жараёнидан чиқилиши билдирмади, деб таъкидлади.

• **Кеча** БМТнинг қочоқлар иши бўйича идораси раҳбари С. Огата Москвага келди. У Россия раҳбарияти билан учрашди ва Ингушетидаги чечен қочқоқларининг аҳолини муҳокама қилади.

• Тожикистон маъмуриятининг сузуларига қараганда уч нафар киши ҳибсга олинган. Улар Душанбе шаҳридаги черковни портлатишни ташкил этишда иштирок этган деб гумон қилинмоқда.

• **Кеча** Шимолий Осетия Республика кўнини нишонлади.

• **Кеча** Туркияда комендантлик соати остида аҳолини умумий рўйхатга олиш ишлари ўтказилди. Аҳоли рўйхатга олинган кўни самолётлар ҳам парвоз қилмади, жамоат транспорти ҳам ишламади.

• Шу ҳафтада Россия билан Грузия ўртасида визалик тартибини жорий қилиш юзасидан икки томонлама музокаралар бошланди.

• **Кеча** Бойқўнгир космодромида ичида Американинг космик алоқа аппарати бўлган «Протон-К» Россия ракета элтувчиси фазога кўтарилди.

• Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вилоят бўлимларининг 20 нафар раҳбари Буюк Британияда Бирмингем университетининг жамоатчилик муносабатлари мактабига икки ҳафталик ўқув дастурининг иштирокчилари бўлди.

• Утган шанба кўни Кишинёвда молдован деҳқонларининг норозилик намойиши бўлиб ўтди. Улар ҳукуматдан қишлоқнинг давлат томонидан кўтлаб-қувватланишини талаб қилдилар.

• **Бугун** Тбилиси яқинидаги собиқ совет ҳарбий аэродромида таъмирлаш ишлари бошланди. Туркия ҳукумати бажариладиган ишларни молиявий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммасига олди.

• Ҳиндистоннинг қуролли қўчулари Покистон билан чегарадаги хавфсизлик чораларини кучайтирдилар. Покистон — Ҳиндистон чегарасидаги ҳудудда Покистон армиясининг 9 дивизияси келтирилганлиги тўғрисидаги хабар муносабати билан шундай қилинди. Исломобод бу дивизияларнинг келтирилганлигини кенг қўламдаги машқлар билан боғлиқ, деб айтди.

• Америка армиясининг собиқ сержант Али Мухаммад Нью-Йоркда бўлган судда ўзининг 1998 йилдаги Американинг Кения ва Танзаниядаги элчионаларига рўй берган портлашларда айбдор деб тан олди.

• Испанияда яқунланган ёш самбочилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакиласи Марина Қодинова Динора Мирзаева билан Дилоракхон Қамбарова кумуш медаллар совиндорлари бўлишди. Ислам Орипов Ўзбекистонга кумуш медал олиб қайтди. Ўзбекистонлик яна уч ёш спортчи бронза медалига сазовор бўлди. Ўзбекистон терма командаси 21 мамлакат ўртасида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

• Амстердамда аънанавий шоколад фестивали очилди.

ИХЧАМ ВА ҚУЛАЙ

Мамлакатимизда ҳар томонлама мукаммал ва юқори сифатли агрегатлар яратиш устида мутахассислар самарали изланоқдалар. «Трактор-маҳсул конструкторлик бюроси томонидан яратилаётган замонавий лойиҳалар қатор янги тракторлар ишлаб чиқариш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Тошкент трактор заводи» Давлат хиссасдорлик жамияти ҳузурнда фаолият кўрсатаётган бу бюро тавсия этган техник ишланма бўйича «ТТЗ — 100 КВ» русумли агрегат намунаси тайёрланди. Бу илҳам трактор яқка фермер ҳўжаликларига мўлжалланган бўлиб, ўз конструкцияси билан аж-
ралиб туради. У, асосан, резина гўсеница-ли агрегат сифатида чиқарилади.

Унинг шу тахлитда тайёрланиши қатор техник афзалликлардан фойдаланиш имконини беради. Янги агрегат ер қатламини эзмайди. Унинг юриш тезлиги ҳам бир меъёрга кечади. Айна вақтда трактор поганали босқинсиз ростланади. Резина гўсеницали трактор узумзорларга ишлов беришда айниқса кўл келади. Тажриба синовидадан яхши ўтганга, бу хил агрегат кўплаб ишлаб чиқарилади.

Ҳозирнинг ўзида бу янги техника мутахассислар эътиборини ўзига тортиб, истиқболли эканлигини кўрсатди.

Ақбар АЛИЕВ.

Анжуманлар

МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурда танили иқтисодчи олимлар ва банк мутахассислари иштирокчида ташкил этилган Илмий кенгаш «Иқтисодиётнинг эркинлаштириш ва банк тизимидagi ислохотларни чуқурлаштириш» мавзусида мунтазам равишда илмий-амалий семинарлар ўтказиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бундай мавзуда ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар жуда илҳамлик тарзида, бири-бирдан ранг-баранг руҳда ўтаётганлиги билан диққатга сазовордир. Жумладан кўни кеча ушбу илмий-амалий семинарнинг иккинчи босқичи ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар ўзларининг қизиқарли илмий маърузалари билан қатнашдилар.

Кўсани илмий мунозаралар руҳида ўтган анжуман кўнунда танлаб олинган 9 нафар қатнашчига Банк-молия академиясига йўлномалар берилди. Шунингдек, уларни банк тизими раҳбар ходимлари захирасига киритиш тавсияси этилди ва илмий мураббийлар тайинланди.

Юқоридagi далилнинг ўзи мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг банк тизими соҳасида ҳам кенг фаолият кўрсатишлари йўлида кўрсатилаётган муҳим эътиборга яна бир ёрқин далилдир.

(Ўз муҳбириниз).

САРОЙНИНГ КОМПЬЮТЕР ТАРМОҒИ

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли автосаройларда компьютер қурилмаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, моддий техника таъминотини йўлга қўйиш каби муҳим жараёнлар эндиликда «ақлли» машиналар ёрдамида бажарилимоқда. Бундай компьютерлаштириш ишига уюшма корхоналари орасида биринчи бўлиб «2-автобус саройи» хиссасдорлик жамиятида киришилган эди. Дастлаб жамоа иккита компьютер қурилмаси билан таъминланди. Орадан кўп ўтмай бу корхонада шахсий компьютерлардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

«Ақлли» машиналар бўйича мажмуавий дастур яратилиши билан йўл варақаларини тулдирини, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш жараёнлари ҳам яхши йўлга қўйилди.

Ана шу тарихда автосаройда компьютер тармоғи юзга келди. Эндиликда кадрлар бўлими фаолиятидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ҳам компьютерлар зиммасига юкланди. Ҳозирда корхонада ўнгадан ортиқ компьютер урнатилган бўлиб, бу албатта жамоада иқтисодий самарадорликни оширишда муҳим техник омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда.

Вақтни ганимат билиб газетанга обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI аснинг биринчи кунидан бошлабоқ «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади. Нашр кўрсаткичларимиз шундай:

Яқка обуначилар учун — 209
Ташкилотлар учун — 563

БҲРҲОНУДДИН БОБОМИЗ

(Фикҳ илмининг сардори Бурҳонуддин ал-Марғиновичнинг 910 йиллик тўйлари муносабати билан)

Фикҳ илмида сардор Бурҳонуддин бобомиз, Лафзлари эҳтарбор Бурҳонуддин бобомиз, Тақво қилиб ихтиёр Бурҳонуддин бобомиз, Шўхратларга бўлди ёр Бурҳонуддин бобомиз, Қалби дарёи аброр Бурҳонуддин бобомиз.

Илм дея дунёни кезди, кўп сафар қилди, Араб оламини кезиб, ўзини дарбадар қилди, Эронку Ироқларда тайи бахру бар қилди, Билмига тўлиб ўзини бошдан-оёқ зар қилди, Топди улуг эътибор Бурҳонуддин бобомиз,

Киндик қони тўқилди қасабаи Раштонда, Тахсил илм қилди аввало Марғиновда, Яида илм излаб бўлди охар равонда, Кўним топди Самарқанд шаҳри кўтлуг остонда, Бўлди бунда барқарор Бурҳонуддин бобомиз.

Баловатининг ёшига етган Бурҳонини замон, Ёд бўлди бошдан-оёқ унга оёти Курон, Аҳодис китобларни барчасини ўқиб равон, Мадорислар илмини эгаллаб бўлган, шу он, Қилди Ҳажини ихтиёр Бурҳонуддин бобомиз.

Китоб ул-машоих да қилди шайхларни баён, Қирқ нафар устозини бирма-бир қилди аён, Устозлари эдилар бари ноибри даврон, Илм билан лиммо-лим тўлган Бурҳонини замон, Эдилар қанча осор Бурҳонуддин бобомиз.

Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий устози, Абул Асир Байзавий устоз аҳлининг сози, Абу Яъқуб ас-Сийар эди доим ҳамрози, Абу Исҳоқ Навқайий аниш соҳиб нияти, Устозларга вафодор Бурҳонуддин бобомиз.

Исломи фикҳига оид ёдди аввал «Бидоя», Ортидан дунё кўрди маного бой «Кифоя», Иккисидан саралаб тўзди охар «Хидоя», Масоийлар барчаси топди анда нихоя, Фақсхларга бўлди ёр Бурҳонуддин бобомиз.

«Наиш ул-маҳаб» олимнинг қаламидан жсон топди, «Китоб ул-масид» эса илмдан нишон топди, «Маносик ул-Ҳаж» жидан қалб уйи ишон топди, Толиблар ўқиб уни йўллари равон топди, Илм отиша сувор Бурҳонуддин бобомиз.

«Мажмаъ ул-Навоили»да назим бўлди кўп ахбор, «Китоб ул-файоиз»да мерослар тақсими бор, Таби назмидан қолди араб тилида ашвор, Ҳар битта ёган шеъри кўп чуқур ҳисматга ёр, Талаб аҳлига тилхор Бурҳонуддин бобомиз.

Шайх ул-Имом Зарношай широди азиз инсон, «Талим ул-мутавааллим» асарин айлаб ноён, Устозининг ҳисмату шеърларини қилиб баён, Ҳайкал қўйди устоза, умрин қилди жовидон, Эдилар соҳиб нисор Бурҳонуддин бобомиз.

«Ал-Хидон» асари оламга машҳур бўзун, Муқомлонлар юртида чоплари машҳур бўзун, Қўлғамас одамлар қилди мавфур бўзун, Ўзбек эли бободан бошлари мағрур бўзун, Дилларда нури анвор Бурҳонуддин бобомиз.

Ўилаб марта шарҳ топди олам аро «Хидоя», Шарҳларидан биридур «Вихоят ур-риволю», «Вихоя»дан тугилди «Мухтасар ул-Вихоя», «Вихоя»нинг маҳсули чун «Китоб ул-Нихоя», Таъсирлари бешумор Бурҳонуддин бобомиз.

Мустақиллик тугилди, тугилдилар бобо ҳам, «Хидоя»си босилди, бўлди дилага даво ҳам, Юртбошимиз бобога қилди ҳурмат бажо ҳам, Муҳаббатда тугилди бу ажиб мудоао ҳам, Пайдо бўлди бу ашор: «Бурҳонуддин бобомиз» Маҳмуд ҲАСАНИЙ.

1. Фикҳ — Ислам ҳуқуқшунослиги ва қонуншунослиги.
2. Дарёи аброр — яхшиликлар дарёси.
3. Тайи бахру бар — денгиз ва қуруқликларни босиб ўтиш.
4. Қасаба — қишлоқ.
5. Мадорис — мадрасалар.
6. Машҳур — тарқалган.
7. Мавфур — кўп, сероб.



Сергеи туманидаги 13-туғруқ мажмуасида «Ёш оналар мактаби» ташкил этилган. СУРАТДА: ҳамшира Шоира Алимова ёш оналар билан. Сергей Любич олган сурат.

Мулоҳаза, таклиф

БОЛА ҚАРОВСИЗ ҚОЛСА

Газета ва журнал саҳифаларида ёшлар тарбияси ҳақида кўп бора мунозарали мақолалар эълон қилинади. Кимдир ёшлар тарбиясининг камол топиши шаклланиши учун мактаб ёки боғча масъул деса, бирор фақат ота-она жавобгар бўлиши керак, деган фикрни ўртага ташлайди. Бу каби фикр-мулоҳазаларда жон бор албатта.

Шароит тақозоси билан Тошкентнинг чекка қишлоқларидан бирида ўқитувчилик қилганим боис қишлоқ ёшлари ҳаётини оз-оз биланаман. Шаҳарликлар баъзан менсимайгина қарайдиган «қишлоқи» болалар одохлақда ҳаммага ўрнак бўлгудек. Ўзлаштиришлари ҳам ёмон эмас.

Бу жараённи кузатишим менга баъзи нарсаларни аниқлашга ёрдам берди. Аввало қишлоқда ҳамма бир-бирини танийди, қолаверса ёшу қари ҳамшира меҳнат билан банд бўлади. Болалар мактабдан қайтган далага чиқиб ота-оналарига ёрдам берадилар. Қизларни ҳатто 5-6 ёшидан бошлаб рўзгорга тайёрлаб борилади. Улар ёшликларидан ҳар бир на-

Уларни тартибга қайрган муаллимларнинг бир-иккитасини юзига оналари чанг солишдан ҳам тоймаганлар.

Дарҳақиқат, инсоф билан айтганда бундай болалар ўқитувчи сўзига қулоқ тутуш у ёқда турсин, устозининг ўзини назарига илмайди-да.

Мактабга синарета тутатиш учунгина келиб-кетадиган бу ўқувчиларни, уларнинг ота-онасини яхши танийман. Мактабни битиргач уларнинг ҳеч қайсиси на бирор ҳунар эгаллади ёки ўқиниша кирди. Шу сабаб бир мулоҳаза. Ота-оналар ишга кетгач уйда ёлғиз қолган болалар қандай юмуш билан шугулланишлари бизга қоронғу албатта. Юқорида мисол келтирган воқеа қайта содир бўлмаслиги учун маҳаллалар фаоллари, ота-оналар билан биргаликда ёшларнинг ўзидан ҳам вақил сайланиб қаровсиз қолган болаларни назорат остига олинса қандай бўларкин?

— Нега уларга индамингиз? — ҳайрон қилиб сўрадим.

— Фойдаси йўқ, булар мактабимизнинг энг эрка болалари, ҳатто ота-оналаридан ҳам ҳайқишмайди. Юзингизга тик боқиб гапирадиганлар хилдан булар.

Анвар ЙЎЛДОШБОВ.

Катрлар

БЕСАБР

Тағларидан тинч, осуда оқайтган сувдан эгатадиган ёш ниҳоллар миннатдор: «Секинлаб оққанинг биз учун қандай яхши! Илдиларимиз очилиб қолмайди. Сендан бафуржам, қувват ола-миз».

Ёнидаги эгат ниҳолларининг буларга ҳаваси келиб: — Қани энди бизнинг сувимиз ҳам шошилмай оқса. Айтсак, секин оқишга тоқати йўқлиги, — дейишди шилдирик сувга. Милдирик сув қўшни-сига:

— Шоганинг ниҳоллар учун гирт зарардир. Дехқоннинг меҳнати ҳавога учадди, — демокчи эди, сабр қилди, унинг шаҳди пасаяётганини сизди. Хушёр дехқон асов отининг жилловини тортгандек эгатадиган бошдан уни бир меърига солган эди-да.

Шошқин сувдек бесабр ёнидагиларини ҳам безовта қилади.

КИМГА АЧИНИШ КЕРАК?!

— Яқин оғайним эди. Ёш кетди-да, — дедим қабристондан қайтар эканман, таниш отахонга.

— Оз яшасам сизга ачинади. Савоб ишни эса кўп қилишга улгурди, охирати обод бўлгур. Ёш кетди, деб ачинманг. Биласизми кимларга ачиниш керак?! Тирик бўлиб сонда йўқ юрт ва савоб ишга қайишмаган ялқовларга ачининг. Охирати чўл-дўзахларга ачининг. Менда ҳам гоҳо жиндек ялқовликка мойиллик борлигини, отанинг сўзидан хушёр тортидим. Мудроқ отимни гайрат қамчиси билан савалагандек бўлдилар. **Ғани АБДУЛЛАЕВ.**

ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ

ЭЗООЗ ҲАҚИДА

Домо бўлу...

- Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса доимо ширин бўлади.
- Оғирчиликда сабр қилиш энг улуг неъмат.
- Дил бойлиги ва руҳ озиги уч нарсадандир: биринчи — илмда. Иккинчи — ризода. Учинчи — қаноатда.
- Бир куни Искандар Бужонис ҳакимни мажлисга чақиртирди.

Бужонис унинг элчисига:

— Искандарга айт, уни биздан узоқлаштираётган нарсаси ва бизни эса унинг олдида боришимизга тўсқинлик қилаётган нарсаси бор. У эса салтанатдир. У ҳамиша салтанат иштиёқида, биз эса қаноат орзусида.

Байт:

Ҳар кимса борига қаноат қилса, Ажабланма, тушмас бировага иши. Юраида кимни тама бўлмаса, Ҳеч кимсадан бўлмас кўрқув, тавошши!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

- Унутмагинки, киши ҳеч қачон тамағир бўлмаслиги керак. Кишининг бошига тамадан турли балолар келади. Сал нарсаси учун киши газабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда газабдан қучлорқ нарсаси йўқ. Газаб келган пайда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феъл-иғи молаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга молашмоқ керак.
- Бир куни камон билан ўқ бир бўлиб қолишганда ўқ камонга қараб деди:

— Эй камон, мен тўғрилигим туфайли тўғри йўлга юриб эъзоз топганман. Сен эса эгрисан, мен билан тенглашишга уринма, қаршимда улуглик лофини урма! Шунинг учун ҳам менинг ҳақимда бир шоир ажойиб мисра айтган:

Эгри бўлма камон мисоли, Тўғрилики ўрагани ўқдан!

Камон деди:

— Эй ўқ, қош каби эгрелигим бўлмаганда сенинг қадригиз бир пул эди! Сен менинг эгрелигим туфайли эъзоз топгансан. Бўлмаса аслида бир чўпсан ҳалос, мен бўлмасам сени тупроққа отар эдилар. Билгинки, тўғрилик қомат туфайли эмас, балки дилнинг софлиги орқали бўлади. Сен қоматингни тўғрилаш ўрнига дилингни тўғрилади.

Ўқ камоннинг сўзларидан қаттиқ хижолат тортиди. Шу кундан эътиборан унинг юзи мардлар майдонига доимо қизилди.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.

- Бир ҳаким шундай дейди:
- Дўстингиз берган маслаҳат туфайли иш тўсангу, бироқ натижа ёмон бўлиб қикса сен ҳеч қачон дўстингни маломат қилма, унга:
- Сен айтгандек қиламан деб, ишим чаппасидан кетди, нега ҳам сенга маслаҳат солдим-а! — демагин.
- Чунки яна иш юзасидан ночор унга маслаҳат солсанг маслаҳати тўғри бўлса-да оқибати ёмон бўлишдан қўриқиб сенга айтмайди.
- Ҳакимлар айтади:
- Ақли кишилар билан маслаҳатлансанг, унинг ақли сенга ҳам оқади, ундан кўп нарсани ўрганасан. Киши ўз ақлига сўяниб иш қилганда кўп хатоларга йўл қўйиши мумкин.
- Ўрганишни истамаган кишига насиҳат қилма!

Байт:

Аҳмоққа насиҳат айлаган инсон, Шўр ерга уруғни ташлагансимон!

«Фавоқих ал-жуласо» дан.

- Эй ўғил! Фазлу ҳунар орттиришга бутун кучинг билан кириш, уни мукамал эгаллаб олишга ҳаракат қил!
- Бузургмеҳрдан сўрадилар:
- Эй ҳаким, киши учун энг яхши нарсаси нима?
- У айтди:
- Жим турмоқ, бехўда сўзларни айтишдан қўра индамай турмоқ!
- Яна сўрадилар:
- Агар у бўлмасачи?
- Айтди:
- Агар у бўлмаса киши учун адаб яхшидир!
- Ундан яна сўрадилар:
- Бордию, агарда у ҳам бўлмасачи?
- Айтди:
- Ёқимли хулқ, одамлар билан очиқ юзлилик билан муомала қилиш, дўсту душман билан муроаса қилиш!
- Яна сўрадилар:
- Бу хислатлар ҳам бўлмасачи?
- У мулоҳаза билан айтди:
- У пайда одамнинг ўлгани яхши. Зеро, ҳеч нимага эга бўлмаган инсон, инсон эмасдир.
- Орифий китоб васфиди қуйидагича тарафнам қилган:
- Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб, Узоқ синаб қўрдим, билсанг у китоб!
- Сирни ширмайди ўқувчисидан, Хабар берад сенга ўқувчисидан.
- Хилватда сен билан бўлиб у уфат, Жимгина қуради ёқимли суҳбат.
- Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.**

ҲАДИСДА АЁЛЛАР ҲАҚИДА

- Жаннатга қираман деган одам оналарнинг ризиқини олсин.
- Мен сизга икки заифнинг моли ва ҳаққини харом айладим: бири етим, иккинчиси хотин.
- Аллоҳ қошида кўп бола туққан хотин бола туғмаган гўзал хотиндан ортиқ севиқлидир.
- Хотинларга башорат: хомилдор бўлурлар, туғарлар, болаларни эмизарлар, болаларига марҳаматли бўлурлар, ҳам ўқисалар, жаннатга киришлари шубҳасиз.



Яхши либос — ҳусна мос. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Ҳаётини лавҳалар

СИЗ ТУГИЛГАН КУН

Ҳаёт қизикда. Баъзан оддий ҳақиқатни унутиб қўямиз, кейин эслаганимизда эса кеч бўлади.

Мана бугун онажонимизнинг туғилган кунлари. Файзли хонадонимиз одатдан ташқари гавжум. Ака-укалар, онасинилар тўкин дастурхон атрофида тўплаганимиз. Давраимизда фақат улуг зот — онажонимиз йўқлар.

Онинг айтганда биз ака-укалар онажонимизнинг туғилган кунларини чала-чўла билмас-да, лекин қайси ой, қайси кунда таваллуд топганимизни аниқ билмасдик. Онаимиз ҳаётини баъзан унга тўплаган пайтларимизда баъзан ҳазиллашиб у зоти олийларидан: «Ойингиз, қайси кун туғилгансиз?», деб сўрасақ жиммайиб қўйиб: «Мен қандайдан билар, сенлар баримиз билар» деганлар.

Вақт ўтганда, волидамиз вафот этган йили уйдагиларимиз билан онажонимизнинг ҳаққини туғилган кунларини аниқлашга киришдик. Ҳар хил эски ҳужжатларни, расм — қоғозларни тит-пит қилиб ташладик. Шунда ўртанча акам ойжонимизнинг йиллар давомида сарғайиб кетган ёшига киз пайтларидидаги суратларини қўлга олиб: «Топдим-топдим» деб юборди.

Ҳаммамиз ҳажон билан акамнинг қўлидаги сурат устига ёпиридик. Қараганимизда онажонимиз туғилган ой ва кун лотин алифбосида аниқ ёзиб қўйилган экан. Йилларни ҳисоб-китоб қилганимизда у киши 20 октябрда туғилган эканлар.

Ҳаммамиз сеҳрлангандек тош қотиб қолдик. Онаимиз 85 йил умр кўрибдилар, лекин бирон йил тўплаганиши улар туғилган кунини нишонламабмиз. Мана шуниси бизга алам қилди, мана шу ўй бизга тинчлик бермасди. Гўё бунга кимдир айбдордек бир-биримизга ҳайратда қарардик.

Тавба, ҳар йили ўзимизни, хотинимизни, болаларни, ҳатто яқиндагина оламга келган набираларимизни туғилган кунларини нишонлашни унутмабмиз-у, лекин бизга ҳаёт берган онажонимизнинг туғилган кунларини нишонлаш ҳеч биримизнинг ҳаёлимизга келмабди...

Ушандан бери орадан ўн беш йилча вақт ўтди. Шу-шу Ҳашадан бери орадан ўн беш йилча вақт ўтди. Шу-шу ҳар йили биз учун табаррук бўлиб қолган 20 октябр

УЙ МУБОРАК

Холмурод ишдан асабий қайтди. Илма-тешик дарвозадан ичкарига кириши билан лайчаси югуриб келиб, унга тирмашди. Ҳар кунгидек эгасидан илтифот кутган ит қаттиқ тепки зарбидан ағиллаб қочди. Уйчасига кирдида, норози оҳангда ириллади.

Ошхона томондан хиргойи овози эшитилди. Хотини. Нимадандир хурсанд, димоғида «Қаро кўзим»ни қуйларди. Холмуроднинг энаси қолди. «Хўкидек хотин ашулага боло борми. Қариганда Мунжот Йўлчиёва бўлармикин».

Тунчилиганича уйга кирди. Дарс тайёрлаб ўтирган уч-чала қизи баравар ўринларидан туриб олдинча кейин салом беришди. Ҳар кун кулониға мойдек ёқадиган бу салом бугун негадир ёқимсиз туюлди. Олдидаги курсини тегиб юборгиси келди.

Хонага Зебохон кирди. Эрига жиммайиб тикиларкан: «Ха, тинчликми, дадаси» деб сўраб қўйди.

Бу сўздан Холмуроднинг баттар ғазаби қайнади. Лаблири пиррилади. Зарда билан ечиңди.

— Ха, нима бўлди?

— Дард бўлди, боло бўлди.

— Вой ана кишини...

Хотини дарҳол ўзини ташқарига олди. Қизлар эса баравар китобга «чунгичиди».

Бир оздан кейин бир чойнак чой қўтариб Зебохон кирди. Ана ховридан тушган эрининг кулониға энгашиб пи-чирлади.

— Суюнчи беринг дадаси.

— Нима яна киз туғиб бермоқчимисан?

Зебохон шўх қилиб бугун ишхонасидан қўлига теккан ўй олиш ҳақидаги гувоҳномани эрига тўтқазди.

— Бу нима?

— Уқинг-чи.

Холмурод «Гувоҳнома» деб ёзилган қоғозга ҳайрат билан тикилди. Кейин бошини қўтариб, бениҳтиёр нураб кетган ўй деворларига узоқ тикилиб қолди. Бирдан кўз олдиға шинам хонадон келди-ю, чехраси ёришиб кетди.

— Уй муборак дадаси, — деди Зебохон эрининг кайфияти кўтарилганидан суюниб.

— Узингизга муборак, онаси.

Хозиргина фазисиз, ҳисси хонадонга бир зумда нур ёғилди. Қўлигагина шодондандан оған кулониға эр бирдан қиларига қараб: «Йилги уйда тўплаганигиз муборак» деган кўшк хиргойисини бошлаб юборди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ФАРЗАНД ДОҒИ

Бир-бирига ёндош икки қабр. Бу ерда она ва бола ётибди. Уларни яхши танийман. Райхон хола ён қўшнимиз. Угли Едгоржон мактабдош уртоғим.

Дўстим ҳаётинида кўпинча «Онам дерман» деган кўшкдаги «Бу дунёда улуг зот ким десанг доим онам дерман» деган жумлаларни хиргойи қилиб юрарди. Нега шундай? Анигини билмасамда ўзимча бу сўзни у онасининг ёлғиз бўлганлигига йўрардим. Чиндан ҳам Едгоржон Райхон хола-нинг арзандаси эди. Отаси урушдан қайтмаганди. Отадан кейин туғилгани учун унга Едгоржон исмини беришган.

Афсуски, дўстимнинг умри қисқа экан. Бундан ўн йил муқаддам у фожевали ҳалок бўлди. Она, келин, болалар чирқираб қолишди. Фарзанд доғи Райхон холаи телба қилиб қўйди.

Бир куни Райхон хола кўчада мени қўриб қўлимдан тутдида, кўнрада-қўймай уйга олиб кирди.

— Вой уртоғинг ҳафа бўляпти. Ҳеч бўлмаса бир марта кириб қўйгина, бўйганинг узулмайгур.

Хонага кирдим, оғзим очилиб қолди. Еру кўк Едгоржоннинг расми билан тўла. Райхон хола столдаги ўғлининг катта суратини олдимга сурди.

— Қарагин ухляпти. Майли ороми бузилмасин. Уйготмай қўй қолайлик. Эртага кира қол.

Эртасига эрталаб «Райхон хола оламдан ўтибди» деган нохуш хабар тарқалди. Уч-тўрт кўшлардан тўплаганиши онаизор ётган хонага кирдик. Хола ўғлининг расмини кўчганча бемажол ётарди.



Шахримизнинг Акмал Икромов тумани Хондамир маҳалласида жойлашган гулу гулзор, ораста, саранжом-саришта, дил тортар гўша бейхитёр кишини ўзига жалб қилади. Бир томонда жажжи болаларнинг қувноқ кулгуси янграса, бир томонда озода, мактаб формаси ўзларига жуда ярашган ўғил-қизлар чопқиллаб юришибди. Бу маскан билан яқиндан танишиш истаги туғилди-ю бу сўлим гўшага йўл олди.

Богча-мактабга кириб келганимизда гуруҳлар аллақачон жажжи кичкинтойлар билан тўлган, тарбиячи опалари билан машгулотлари бошлаб юборишган, 1-дарсга кўнгирак чалинган, ҳаммаёқ тинч, осуда эди. Биз «Ором» умумий ўрта таълим берувчи богча-мактаб директори Гулнора Кўчкоровадан богча-мактаб фаолияти ҳақида сўзлаб беришни сўрадик ва у куйидагиларни сўзлаб берди.

— Богча-мактабимизда богчада 500 та, мактабда 1732 та ўқувчи, жами 2.232 нафар фарзандларимиз таълим ва тарбия олмақдалар. Аввало богча-мактабнинг ташкил этилиши ва шундан даражага эришиши учун қанча меҳнат ва машаққат чекганимизни, охир-оқибатда обрў-этибор қозониб, ўқувчиларимиз сони ҳам шунга яраша ошиб, ота-оналар ишончини оқлаётганимиз ҳақида сўзласам.

Мен 1975 йили шу богчада иш бошладим, мусиқа раҳбари бўлиб, «Ором» болалар ансамблини ташкил этдик. Қатор конкурсларда катнашиб совринли ўринларни эгалладик. 1988 йили мудира лавозимига тайинландим. Массулият ҳам икки қарра ортди.

Болаларнинг қобилиятига қараб алоҳида мусиқий гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳ тарбияланувчилари богчадан чиқиб турли жанр бўйича 23-мусиқа мактабига ўқиша ўтдилар.

124-мактаб, 28-мусиқа мактаби ва 394-болалар богчаси биргаликда марказ ташкил этилди. Хомийлар ёрдамида «Богча-мактаб» маданий марказ биноси қурилди. 1994 йил 394-богча майдонида 124-мактаб билан ҳамкорликда бошланғич синф ташкил этилиб, сентябрь ойида иш фаолиятини бошлади.

Богча-мактабда таълим-тарбиянинг юқори савида олиб борилиши кўпчилик ота-оналарнинг қизиқиши, эътиборини жалб қилди ва ўқувчилар сафи мана кундан кунга ошиб бормоқда.

Ўқувчилар сонининг ортиши эса мактаб майдонини кенгайтиришни талаб этади.

1997 йил октябрь ойидан бошлаб янги мактаб биноси ўз фаолиятини бошлади ва у «Ором» — умумий ўрта таълим берувчи богча-мактаб маркази» деб номланди. Ҳозирги кунда марказ куй-

Ирена, Мурод Абдурайимов, Қудрат Орипов, Исмоил Фуломов, бошланғич синфларда эса Фарида Илєсова, Самура Акбарова, Тамара Жўраева, богча тарбиячиларидан Ақида Махмудова, Умида Ғофурвалар номини алоҳида таъкидлагим келади.

Богча-мактабда китоб ва қўлланмаларга бой кутубхона ҳам ўқувчиларга хизмат қилмоқда. Кутубхонадан сиёсий бурчак ва 1997 йил август IX сессиясида қўрилган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»-ги қонунлар ҳам ўрин олган. 21 та тўғарақ ишлаб турибди. Ўғил болалар ва қиз болалар клуби ташкил қилинган. Мактаб даврида ўзини тўта олган болаларга катта ҳаёт оstonасига кириб бора олади. Йигит — Ватан посбони эканлигини, она билан Ватан ағона тушунча эканлигини, уни саклай олиш унинг вазифаси, гурури эканини тушунишни жуда хоҳлардим. Бугунги кун ўқувчиси фақат ўз фанининг билимдонли бўлиши камлик қилади. У бугунги кун воқеаларини жуда яхши билиши, маънавияти жуда юксак, ҳар томонлама ривожланган бўлиши керак. Болаларни эркин фикрлай олиши учун унга муқаммал, тўлиқ дарс ўта олиш керак. Токи шу богча-мактабни тамомлаган ўқувчилар эртага олим шoir бўлишин, илмий, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган инсонлар бўлиб етишсин. Ниятм жажжонга овоз ва ҳур ўзбекистоннинг иқтидорли ўғил-қизларини ҳам танитиш. Маънавият ва маърифат ишлари, ўқув ишлари бўйича менга яқиндан ёрдам бериб келаятган Дилором Асадова, Барно Усмонова, Гулчехра Рашидова, Барно Мирсолиховалар хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлар дейман. Шу жон фидо жамоа бўлмаса муваффақиятларга эришиш қайда.

Тўғриси, талабчан раҳбар, моҳир мураббий, тадбиркор, ўз вазифасига сидқидиллик билан ёндошадиган директор Гулнора Кўчкорова фахрланиб, куйиб-ёниб богча-мактаб фаолияти ҳақида, келгуси оруз-ниятлар, мақсадлар ҳақида гапирдилар. Уйлаймики, иш кўзини билган, ишбилармон ва тадбиркор директор ва ақил жамоа ҳамма мақсад ва ниятларига эришадилар. Бу йўлда уларга эзгу мақсадларга йўлдош бўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА.
СУРАТЛАРДА: богча-мактаб фаолиятдан лавҳалар.

Тарбия масканларида ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД «ОРОМ»



идаги йўналишларга ихтисослашган. Она тили ва адабиёти, чет тиллари ва эстетика, ривизит ва компьютер сабоқлари, ҳуқуқшунослик, иқтисод, жисмоний тарбия.

Ўқувчиларга мана шу йўналишдаги фанлар чуқурлаштирилган тарзда берилди. Уларга ўз касбининг фидойиси бўлган устоз-ўқитувчилар ва моҳир тўғарақ раҳбарлари дарс беришмоқда. Ли

Тадбирлар

САНИТАРИЯ ДРУЖИНАЧИЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Маълумки ҳар бир корхона ёки муассасада ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, техника хавфсизлиги чораларига эътибор қаратилиши даркор. Албатта, аксарият корхоналарда бу борадаги ишлар ахши йўлга қўйилган.

Аммо фақатгина техника хавфсизлигига риоя этилиши ўзи билан иш битмайди-да. Чунки факулда вазиетлар туфайли содир бўладиган ёнғин, ер қимирлаши ёки сув тошқини каби ҳолатларда зарарланганларга қай тариқа ёрдам бериш лозим? Бунинг учун пойтахтимиздаги ҳар бир корхона-ташкilotлар санитария дружиналари вакиллари чакқон, ажбир, ма-лакали, биринчи тиббий ёрдамни ҳам кўрсатишга қодир бўлишлари зарур. Ана шунда юз бериши мумкин бўлган фалокатлар олди олинган бўлади. Шу бонис ҳам Тошкент шаҳар ҳокими-



рида ўтказилган ушбу мусобақада пойтахтимиз туманларининг голиб санитария дружиналари иштирок этишди. Ушбу хайри бешлашувнинг аҳамияти шундаки, мусобақалар беш босқичда ўтказилиб, санитар дружинани жиҳозлаш, противозанги ўзига ва жароҳатланганларга кийдириш, ечиш, ер қимирлаши, ўт кетиши, сув тошқини каби факулда вазиетларда жароҳатланганларни хавфсиз жойга қўчириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда бошқа ишларда санитария дружиналарининг маҳорати ва билими си-наб қўрилади. Биринчи ўринни «Алгоритм» очик турдаги акциядорлик жамияти санитария дружиначилари қўлга киритишган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар «Тошкент трактор заводи»

акциядорлик жамияти ҳамда Тошкент Молия институти санитария дружиначиларига насиб этди.

Ғолибларга Тошкент шаҳар ҳокими-нинг Мақтов Ёрлиғини Тошкент шаҳар Факулда вазиетлар бoш бoшқармаси бошлиғи Эргаш Икромов топишари. Шунингдек, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умида Муҳамедова ҳам мусобақа ғолибларига ва иштирокчиларига эсдалик совғаларини тақдим этаркан, санитария дружиначиларининг савобли ва хайрли юмушларида уларга катта муваффақиятлар тилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.
СУРАТЛАРДА: мусобақа пайтида.
Сергей Любич олган суратлар.



«ОЙНА» МАҚОТ»ДА

ПАЙШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
- 9.15 «Оламга савҳат». Кинорас-тув.
- 9.45 «Мен туғилган тўғроқ».
- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
- 10.05 «Талаб ва тақдир».
- 10.20 ТВ-клип.
- 10.25 «Вактин кетди».
- 10.30 Болалар учун. «Болалигим-пошоллигим».
- 11.05 «Қалбим чегаги». Бадий фильм. 6-қисм.
- 11.45 «Харитас». Бадий фильм.
- 12.05 «Ўрт ҳақида қўшиқ». Публицистик курсатув.
- 12.25 ТВ-мето.
- 12.35 «Кўкша-комплюша». Мультфильм.
- 12.55 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
- 13.20 «От теганга». Теленовелла.
- 14.10 «Йил! Изла! Топ!» Теленовелла.
- 14.45 «Қўшиқ». Бадий фильм.
- 16.05 «Мусиқа ва театр».
- 16.30 «Адиқат».
- 16.50 «Ўзбекфильм» намойиши: «Тошкент солимаси».
- 17.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
- 17.40 «Харитас». Халқаро шарҳ.
- 17.55 ТВ-клип.
- 18.10 «Гуранлик тадбиркорлар».
- 18.30 «Умр мазмуни». Ж. Жаборов.
- 19.00 «Хидоят сари».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 20.00 Оқшом эрталари.
- 20.15 «Ўзми-ўзи».
- 20.30 «Бестия».
- 21.05 «Мен нечун севман, Ўзбекистонинг». Публицистик курсатув.
- 21.40 «Дўстлик тароналари». Киристон Республикаси Жалолобод вилояти меҳнаткашлари хузурида.
- 22.15 «Қўшиқ аждодаларимиз». Видеофильм. 1-қисм.
- 22.25 УТВ экранда биринчи марта. «Қалбим чегаги». Бадий фильм. 7-қисм.
- 22.30 «Ахборот».
- 22.45 «Қарат» бўйича Халқаро турнир. Наманган.
- 00.25-00.30 «Ватан тинсоллари».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 7.55 «Экспресс» телегазетаси.
- 8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
- 8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
- 9.20 «Омад» тележурнали.
- 9.40-11.20 Киноингоҳ. «Туларнинг бирда содир бўлган воқеа».
- 17.55 Курсатувлар тартиби.
- 18.00, 21.00, 22.50, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
- 18.25 «Субботдо».
- 18.45 «Экспресс» телегазетаси.
- 19.00, 20.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
- 19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
- 21.25 «Омад» тележурнали.
- 21.45 «Янги иқлим».
- 22.05 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
- 22.15 Оқшом ва эълонлар.
- 22.20 Киноингоҳ. «Шов-шув».
- 00.30 «Хайри тун, шаҳрим!».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.55 Курсатувлар тартиби.
- 9.00 «Дар».
- 9.15 «Янги авлод студияси: «Кин-кинтой театри».
- 9.30 «Ватан мадони».
- 10.00 «Тош»-интервью.
- 10.15 «Рей Брадбери театри».
- Телесериал. 9-қисм.
- 10.40 «Мушкетер».
- 10.55 «Мусиқий лавҳалар».
- 11.05 «Даллас». Телесериал.
- 11.15 «Ватан манзаралари». Абу Мансур Мотуриддин.
- 11.20 «Олтин мерос».
- 12.20 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
- 13.50 «Мусиқий лавҳалар».
- 14.00 «Табаррук кадамжолар».
- Имом Ал-Бухорий. Видеофильм.
- 14.20 «Мусиқий лавҳалар».
- 14.30 «Рейнелл Хардвал». Бадий фильм. 1-қисм.
- 15.20 «Мусиқий лавҳалар».
- 15.30 «Кўнги кўнгига пайванда».
- 16.00 «Қўто командасининг сув эти саргузаштери». Телесериал. 38-қисм.
- 16.50 «Мусиқий лавҳалар».
- 17.00 Курсатувлар тартиби.
- 17.05 «Янги авлод» студияси: «Кел-линг танишди!».
- 17.40 «Талаблик даврим менинг».
- 18.00 «Автосалтанат».
- 18.15 «Олтин мерос».
- 18.20 «Бешбармоқ».
- 18.45 «Мусиқий лавҳалар».
- 18.55 «Иқлим».
- 19.30 «Дар». Ахборот дастури.
- 19.30 «ТВ-анонс».
- 19.35 «Саломат бўлинг».
- 22.30 «Саодат қалити».
- 23.15 Оқшом ва эълонлар.
- 23.20 Киноингоҳ. «Шов-шув».
- 00.30 «Хайри тун, шаҳрим!».

ЖУМА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.55 «Кўкша савҳатлари» қуйи-ди. Мусиқий дастур.
- 9.20 ТВ-мето.
- 9.30 «Вьетнам манзаралари». Теле-фильм. 7-қисм.
- 9.40 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янги-ликлар.
- Умид» намойиш этиди:**
- 10.05 «Ўз хақинида».
- 10.20 «Кулгитерания».
- 10.40 «Умид сафарда».
- 11.10 ТВ-клип.
- 11.20 «Қалбим чегаги». Бадий фильм. 7-қисм.
- 12.05 «Сомон йўли».
- 12.25 ТВ-мето.
- 12.35 «Кўрқоқ беғемот». Мультфильм.
- 12.55 «Қўшиқ - маънавият кўзгу-си». Мусиқий дастур.
- 13.20 ТВ-анонс.
- 13.30 «Минг бир хадис». Телено-велла.
- Спорт» дастури:**
- 14.10 Спорт, спорт, спорт». Телешарҳ.
- 14.40 Футбол. Осиё кубоги-2000. Ярим финал.
- 16.20 «Ўздак кўли воқеаси». Бадий фильм.
- 17.25 «Етти иқлим садоси». Теле-шарҳ.
- 17.45 «Рақибингиз - гроссмейстер».
- 17.55 ТВ-клип.
- 18.10 Болалар учун. «Хижматлар ха-зинаси».
- 18.25 «Хамкорлик ришталари».
- 18.40 «Ўзбекфильм» намойи-ши: «Тиланиш йўлида».
- 18.50 «Дун адабиёти».
- 19.05 «Икконият».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълон-лар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 20.00 Оқшом эрталари.
- 20.15 «Тиббиёт оламида».
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 «Муносабат».
- 21.25 «Олтин далла». Ахборот-муси-қий дастур.
- 22.00 Буюк аждодаларимиз. «Бур-хониддин ал-Марғиний». Видео-фильм. 2-қисм.
- 22.20 «Самъатим — саводатим». Ўзбекистон хизмат кўрсатган ар-тист Н. Хайдаров.
- 22.45 «Зив» студияси намойиш этиди: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
- 23.15 УТВ экранда биринчи мар-

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
- 7.55 «Экспресс» телегазетаси.
- 8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
- 8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
- 9.20 «Омад» тележурнали.
- 9.40-11.40 Киноингоҳ. «Сўнги қаҳрамон».
- 17.55 Курсатувлар тартиби.
- 18.00, 21.00, 22.50, 00.05 «Пой-тахт». Ахборот дастури.
- 18.25 «Саховат».
- 18.40 «Экспресс» телегазетаси.
- 18.55 «Ватан мадони».
- 19.00, 20.30 «Табриқлаймиз-кут-лаймиз».
- 19.45 ТТВда сериал: «Қора дур до-налари».
- 21.25 «Омад» тележурнали.
- 21.45 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
- 22.30 «Саодат қалити».
- 23.15 Оқшом ва эълонлар.
- 23.20 Киноингоҳ. «Шов-шув».
- 00.30 «Хайри тун, шаҳрим!».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2000 йилнинг 17 ноябрдан

«ЎЗБЕҚДАВЛАТЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
Тошкенбўй Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки
Хадра майдони

ЛИЛИПУТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЦИРКИ ГАСТРОЛЛАРИ
КОР-ДЕ-ВАЛЕТ ВА ЖАХОНДАГИ ЭНГ НИТТИ ОДАМ

ИШТИРОКЧИДА КАТТА КўНГЎЛЧАР ДАСТУР
Тошошаларда

Африканин 3 метрлик катта илонлари, Каламанжарадан келтирилган 5 метрлик Анжонда Африка ўрмонларидаги маймулар, каптарлар, ургитилган кучуқчалар, Маскарабозлар: Юри, Голж, Миша

Цирк хайфатда 3 кун ишлайди Тошошалар жума кунин соат 18.00да, Шанба ва яқинба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади

Жамоа бўлиб келувчилар учун талабномалар қабул қилинмоқда

Билетлар цирк кассаларида ва туман кассирлар томонидан сотилимоқда

Хак тулаш усули турлича

Касса эрталаб соат 9 дан очик

Маълумот олиш учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.

2000 йилнинг 4 ноябрдан 12 ноябргача

«ЎЗБЕҚДАВЛАТЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
Тошкенбўй Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки
Хадра майдони

БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
кузги таътил кунларида

Артистлари иштирокида РАНГ-БАРАНГ ЖАНРДАГИ ДАСТУР АСОСИДАГИ ЦИРК — ЦИРК — ЦИРК

Тошоша чиккиларни ўтказидаги пайта

КИЗ И КИЛАР

ЕВГЕНИЙ АЛЕКСАНДР ВНЕЧЕВ БОГАЧЕВ КАЗАКОВ ПАНОВларнинг чиккилари

Тошошалар 4, 10, 11 ноябрда соат 11.00, 14.00, 18.00 да

6, 7, 8, 9 ноябрда соат 11.00 ва 14.00 да

5 ва 12 ноябрда соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинмоқда

Билетлар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилимоқда

Хак тулаш усули турлича

Касса эрталаб соат 9 дан очик

Маълумот олиш учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-18-11.

Жамолддин Нурдинбаевич Туревнинг хондонига эгалик ҳуқуқини берувчи 1993 йил-нинг 14 январидан берилган № 06-02/5487 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан утин тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.